Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

03 7,5 триллион сўм миқдорида кредит

05 Карманада қонунлар қатъий назорат қилинади

07 XXI аср технологиялари



2014 йил 13 март, пайшанба, 10 (538)-сон

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz



## Имконият ва изланишлар самараси

Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, айниқса, енгил саноат соҳасининг жадал ривожланишида муҳим омил бўлаётир.

Наманган вилоятининг Чуст туманида фаолият кўрсатаётган «Chust textile» масъулияти чекланган жамияти йилига икки ярим миллион дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада 400 нафардан зиёд киши доимий иш билан таъминланган. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежини битирган ёшлардир.

– 2013 йилда 1 миллион 381 минг донадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди, – дейди корхона раҳбари Камолиддин Мамажонов. – Маҳсулотларимизнинг асосий қисми экспортга йўналтирилаётир. Хусусан, ўтган йили 5 миллион 100 минг АҚШ доллари миқдоридан зиёд маҳсулотни шартнома асосида хорижга сотдик.

ЎзА.



## «Ташаббус-2014» янги ташаббусларга йўл очмоқда

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус-2014» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда туман босқичларидан муваффақиятли ўтган 22 нафар энг илғор, ишбилармон, ташаббускор тадбиркор ва ҳунармандлар иштирок этдилар. Кўргазмадан ўрин олган тўқимачилик буюмлари, сут ва қандолатчилик маҳсулотлари, кимёвий препаратлар, савдо расталари учун музлатгичлар, ҳунармандлар томонидан тақдим этилган мусиқий асбоблар, ёғоч ўймакорлиги буюмлари, миллий либослар ҳамда зеб-зийнатлар кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

2 ►►

# Фермерлар ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашда янада фаол қатнашадилар








Солих ЗОИР олган суратлар

**O`zLiDePнинг йирик лойиҳаларидан бири — «Тадбиркорлар мулоқот форуми»да иштирок этаётган қишлоқ мулкдорлари жойларда ўтказилаётган очиқ мулоқотларда ана шундай фикр билдирмоқдалар**

Учрашувлар чоғида «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, ана шу муҳим ҳужжат ижросини таъминлашда қишлоқ мулкдорлари зиммасидаги вазифалар ҳам кенг муҳокама қилинаётир.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиев раҳбарлигидаги гуруҳ аъзоларининг Навоий, Сирдарё, Наманган ва Андижон вилоятларидаги учрашувларида, энг аввало, Давлат дастурини таъминлашда фермерлар иштироки, хусусан, аграр соҳадаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш, тизимга оид қонун ҳужжатлари, Юртбошимизнинг бир қатор фармон ва қарорларининг мазмун-моҳияти кенг тушунтириляпти.

Айни пайтда Сирдарё вилоятида ҳам фермерлик ҳаракати жадал ривожланмоқда. Масалан, ҳудудда 4229 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётган бўлса, ўтган йили уларнинг 1408 таси кўп тармоқли субъектларга айлантирилди.

2 ►►

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг мажлиси тўғрисида ахборот

**2014 йил 12 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди**

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисини шу йил 10-11 апрель кунлари Тошкент шаҳрида чақириш ҳақида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (янги таҳрири), «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришни, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашни, фуқаролик жамиятини шакллантиришни, қонун устуворлигини таъминлашни ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни, шунингдек, ишбилармонлик муҳитини яхшилашни назарда тутадиган, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Шу билан бир қаторда навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг фаолияти тўғрисидаги, Ҳисоб палатасининг фаолияти тўғрисидаги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни муҳокама қиладилар. Сенаторлар ялпи мажлисда адлия вазирининг 2013 йилда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқадилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатлари доирасига кирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасидаги ишини мувофиқлаштириш учун тегишли ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

### ПАРЛАМЕНТДА

# Қонунни такомиллаштириш жараёнида O`zLiDeP иштироки

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қарийб бир йил давомида Самарқанд ҳамда Бухоро вилоятларида ҳуқуқий экспериментдан ўтказилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинди**

Маълумки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятида шаффофликни таъминлаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг бориши тўғрисида кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиш мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим йўналишидир. Давлат органлари ҳамда ахборотдан фойдаланувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги механизми, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларнинг давр шиддатига монанд равишда такомиллаштирилиб борилиши эса қонун ижодкорлиги билан боғлиқ табиий ҳодисадир. Бошқача айтганда, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи, бугунги воқеликлар ахборот соҳасини эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштиришга қаратилган яхлит қонун яратишни тақозо этаётганди.

4 ►►



### «АЁЛЛАР ҚАНОТИ»

## Дастурий вазифалар ижроси йўлида

Кейинги йилларда Андижон вилоятида ҳам хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш, уларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал ўсишига кўмаклашиш, меҳнат шароитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

4 ►►

### ҲАМКОРЛИК

## Ўзбекистон–Хитой бизнес-форуми

Пойтахтимизда Ўзбекистон–Хитой ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Хитой халқаро савдога кўмаклашиш қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг савдо, сармоя, ташқи иқтисодий алоқалар, нефть-кимё саноати, энергетика, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сайёҳлик ва логистика каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари вакиллари иштирок этди.

2 ►►

6 ►

**2014 йилнинг 28 мартида ташкил этиладиган навбатдаги «Очиқ мулоқот»да тадбиркор ва ишбилармонларнинг саволларига Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов жавоб қайтаради.**



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 11 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

*) *Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2026,99 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3753,58 |
| 1 Дания кронаси | 417,61 |
| 1 БАА дирҳами | 610,82 |
| 1 АҚШ доллари | 2243,49 |
| 1 Миср фунти | 322,33 |
| 1 Исландия кронаси | 20,07 |
| 1 Канада доллари | 2017,53 |
| 1 Хитой юани | 365,45 |
| 1 Малайзия ринггити | 683,57 |
| 1 Польша злотийси | 741,43 |
| 1 СДР | 3481,36 |
| 1 Туркия лираси | 1014,56 |
| 1 Швейцария франки | 2559,02 |
| 1 ЕВРО | 3085,19 |
| 10 Жанубий Корея вони | 21,04 |
| 10 Япония иенаси | 217,71 |
| 1 Россия рубли | 61,87 |
| 1 Украина гривнаси | 238,98 |

# Етакчи куч

2011-2013 йиллар мобайнида хўжалик судлари томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишларда жами 30 мингдан ортиқ тарафлар вакиллари бошқа ҳудудларда бўлган. Бу муддат давомида Олий хўжалик судининг кассация инстанциясида кўриб чиқилган ишларда иштирок этиш учун вилоятлардан 8 мингдан зиёд тарафлар вакиллари Тошкент шаҳрига келиб кетган. Бу эса суд мажлиси қатнашчиларидан транспорт, меҳмонхона ва овқатланиш харажатларини талаб этади.

## Фермерлар ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашда янада фаол қатнашадилар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»




Мазкур хўжаликларнинг 23240 миллион сўмлик маблағи ва 21529 миллион сўм миқдоридаги банк кредити эвазига жами 1378 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада 5391 та янги иш ўрни яратилди. Жорий йилда эса яна 1422 та фермер хўжалигини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Гулистон шаҳрида ташкил этилган «Фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш ҳамда аграр соҳани модернизация қилишнинг долзарб масалалари» мавзуидаги давра суҳбатида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони муҳим ҳуқуқий асос ва дастуриламал бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиевнинг фикрича, ушбу муҳим ҳужжатда кўзда тутилган устувор масалалар аграр секторни ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб бергани билан ҳам аҳамиятлидир.

— Асосий электоратимиз бўлган фермерлар учун қулай шароит ва имкониятлар яратилгани қишлоқларда саноатни янада тараққий эттириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда фаол қатнашаётган қишлоқ мулкдорлари зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклайди, — деди тадбирда С.Турдиев.

— Эндиликда қишлоқ мулкдорлари ерга эга эканларини тўла ҳис этиб, ундан унумли фойдаланмоқдалар, – дейди Сирдарё вилоят Фермерлар кенгаши раиси Ботир Мирзақулов. — Биз, фермерлар манфаатини қатъий ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасидаги вазифага айлангани эса қишлоқ мулкдорларига жуда катта ишонч билдирилаётганидан далолатдир. Кези келганда, 2013 йили кенгашимиз аралашуви билан Пахтаобод ва Сардоба пахта тозалаш корхоналари томонидан фермерларга етказилган 543,1 миллион сўм миқдоридаги зарар ундириб берилгани, бундан ташқари, ўтган йили сув танқис бўлган ҳудудлардаги 185 та фермер хўжалигига хорижда ишлаб чиқарилган замонавий насослар ўрнатилганини қайд этиш мумкин.

Давра суҳбатида, шунингдек, бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи долзарб бўлган бир пайтда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, фермер хўжаликларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишда соҳага янги технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича билдирилаётган таклиф ва тавсиялардан қонун ижодкорлиги жараёнида кенг фойдаланиш муҳим эканига ҳам эътибор қаратилди.

Навоийда ташкил этилган мулоқотда «Соғлом бола йили» Давлат дастуридан келиб чиқадиган устувор вазифалар, бунда O`zLiDeP, Фермерлар кенгаши ва бошқа ҳамкор ташкилотлар эътиборини айни шу масалаларга қаратиш лозимлиги таъкидланди.

– Ушбу муҳим ҳужжат баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилаётган «Соғлом она – соғлом бола» концепциясини амалга ошириш соҳасидаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди, – дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиев. – Зеро, ҳеч кимдан кам бўлмаган ёшларгина Ватанимиз тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олиш, демократик, ривожланган бозор иқтисодиёти, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти, келажаги буюк давлатни барпо этишга қодир эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Давлат дастури ана шундай эзгу мақсадларни ўзида мужассам этгани билан ҳам барча аҳоли қатламлари вакиллари томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

– Тадбирда ёшларга оид давлат сиёсати, баркамол авлодни тарбиялаш жараёнининг қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш хусусида ҳам атрофлича фикрлар билдирилди, – дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев. – Маълумки, Давлат дастурида бир қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилгани боис фракциямиз иш режасига марказ ва ҳудудларда ушбу қонунларни муҳокама этиш ва уларни янада такомиллаштириш бўйича ўзгартишлар киритилди. Бундан кўзланган мақсад қонун лойиҳаларининг Қонунчилик палатасига киритилишидан олдин уларни тайёрлаш жараёнида фаол иштирок этиш, бунда партиянинг аниқ ва қатъий позициясини шакллантиришдан иборатдир.

Шу ўринда 2014 йилда ҳам O`zLiDePнинг «Ўзбекистоннинг замонавий ёшлари», «Хавфсиз интернет» каби лойиҳалари давом эттирилишини таъкидлаш ўринлидир. Эндиликда ушбу лойиҳалар доирасида «Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид сиёсати тўғрисида», «Болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир этадиган ахборотлардан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Таълим тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам кенг муҳокама қилиняпти.

Очиқ мулоқотлар якунида Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда O`zLiDeP Сирдарё ва Навоий вилоят кенгашлари иш режаларига тегишли ўзгартишлар киритиш, шунингдек, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги обрўсини янада кўтариш, ижтимоий ҳаётда юз бераётган ўзгаришларда аёллар ва ёшлар иштирокини кенгайтириш масалаларига доимий эътибор қаратишга келишиб олинди.

## Электрон мурожаат ва видеоконференция орқали суд

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган эди

O`zLiDeP фракцияси томонидан ташкил этилган «Хўжалик судларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллашнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш – давр талаби» мавзусидаги давра суҳбатида айнан ана шу масалалар муҳокама қилинди. Унда фракция аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси юзасидан партия Сайловолди платформасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Уларнинг фикрича, мазкур қонун хўжалик судларида иш юритишни янада такомиллаштириш, суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқни янада кенгроқ таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг вақтини ва маблағларини тежаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан судлар фаолиятида самарали фойдаланиш мақсадини кўзлайди.

**Нуриддин МУРОДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:**
– Президентимизнинг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони талаблари асосида ўтган йили хўжалик судларида даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон шаклда қабул қилиш, 2013 йилнинг 1 июнидан эса суд муҳокамаси иштирокчиларига тегишли ҳужжатлар ва барча хат-хабарларни электрон воситалари орқали юбориш тартиби татбиқ этилди. Бундай янгилик тадбиркорларнинг вақт ва маблағини тежаш баробарида одил судловнинг ошкоралигини таъминлаш, улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ана шу жараённинг мантиқий давоми сифатида хўжалик судлари мажлисларини видеоконференция усулида ўтказиш амалиётини жорий этиш мақсадида ишлаб чиқилган ва парламент қуйи палатасида муҳокама қилинаётган янги қонун лойиҳаси Олий хўжалик суди томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланилган ҳолда киритилган.
Ҳозирги вақтда хўжалик процессуал қонун ҳужжатлари видеоконференция усулида суд мажлисини ўтказиш имкониятини назарда тутмайди. Хўжалик процессуал кодекси (ХПК)нинг амалдаги нормаларига кўра, ишлар суд биносида кўрилади. Бундай тартибда иш кўрилаётганда суддан бошқа ҳудудда жойлашган тарафлар учун, иш кассация инстанцияси судида кўрилаётганда эса иккила тараф учун ҳам анча вақт ва маблағ керак.
Маълумотларга қараганда, 2011-2013 йиллар мобайнида хўжалик судлари томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишларда жами 30 мингдан ортиқ тарафлар вакиллари бошқа ҳудудларда бўлган. Бу муддат давомида Олий хўжалик судининг кассация инстанциясида кўриб чиқилган ишларда иштирок этиш учун вилоятлардан 8 мингдан зиёд тарафлар вакиллари Тошкент шаҳрига келиб кетган. Бу эса суд мажлиси қатнашчиларидан транспорт, меҳмонхона ва овқатланиш харажатларини талаб этади.

**Қаҳрамон ЭРГАШЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:**
— Давра суҳбатида янги нормаларнинг қабул қилиниши партиямиз электорати фаолиятида нақадар муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ушбу қонун лойиҳаси орқали ХПКнинг 8, 90, 131 ва 134-моддаларига қўшимчалар киритиш ва $126^{1}$-модда билан тўлдириш назарда тутилилаётгани, шахсларнинг видеоконференция усулидаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи белгиланиб, унинг айрим процессуал жиҳатлари мустаҳкамланётгани муҳокама марказида бўлди. Эътироф этиш керакки, таклиф этилаётган қўшимчалар ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд муҳокамасида бевосита қатнашиш ҳуқуқини чекламайди.
Яна бир жиҳат: ХПКнинг 131-моддаси суд муҳокамасини кейинга қолдириш асосларини белгилайди. Видеоконференция усулида суд мажлисини ўтказиш тартиби жорий этилиши муносабати билан ушбу моддани процессни ташкиллаштирадиган ҳамда ишни кўраётган хўжалик судлари ўртасида видеоалоқани ўрнатиш имкониятининг мавжуд эмаслиги ва техник носозликлар билан боғлиқ бўлган асос билан тўлдириш кўзда тутилаётгани ҳам айни муддаодир.
Тадбирда истиқлол йиллари суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, суд ҳокимиятининг тўла мустақиллигини қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, қонунийликни таъминлашда унинг роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Айниқса, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг электрон шаклига ўтказилиши, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши ишни кўрувчиларга ҳам, унда қатнашувчиларга ҳам ҳар томонлама қулайлик яратмоқда. Хўжалик процессуал кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимча киритиш орқали суд мажлисларининг видеоконференция усулида ўтказилиши эса бу борадаги навбатдаги муҳим қадамдир.

### ҲАМКОРЛИК

## Ўзбекистон–Хитой бизнес-форуми

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Хитой халқаро савдога кўмаклашиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Чжан Вэй ва бошқалар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга расмий ташрифи ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йилнинг сентябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, ҳамкорлик борасидаги мавжуд имкониятларни янада кенгроқ ишга солишда муҳим омил бўлмоқда.
Бугунги кунда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация асосида барча соҳаларда жадал тараққий этмоқда. Хитой Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлари орасида етакчи ўринни эгаллайди.
Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ўсиб бораётир. Бу борадаги кўрсаткич 2013 йилда 4 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган беш юзга яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда. Юртимизда Хитойнинг етмишдан зиёд компанияси ваколатхонаси ишлаб турибди.
Мамлакатимиздаги қулай бизнес муҳити, хорижий сармоядорларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган афзалликлар ва кафолатлар тизими хитойлик ишбилармонларнинг юртимиз иқтисодиётига қизиқиши ва ишончини оширмоқда.
– Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик жадал тараққий этмоқда, – деди Хитой халқаро савдога кўмаклашиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Чжан Вэй. – Ўзбекистондаги қулай сармоявий муҳит ва улкан иқтисодий имкониятлар билан бевосита танишиш, бу борадаги мавжуд салоҳиятдан тўлароқ фойдаланиш мақсадида кўплаб етакчи фирма ва компанияларимиз вакиллари истиқболли лойиҳалар билан келган. Ўзаро ҳамкорлигимиз янада равнақ топишига  ишонамиз.
Хориж сармояси иштирокида юқори технологик лойиҳаларни амалга оширишда «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» иқтисодий зоналари муҳим аҳамият касб этмоқда. Форумда хитойлик ишбилармонларга ушбу иқтисодий зоналардаги имконият ва имтиёзлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.
Анжуманда нефть-газ, кимё саноати, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик, электр техникаси, тўқимачилик ва енгил саноат каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, ҳамкорликда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.
Бизнес-форум якунида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан Хитой халқаро савдога кўмаклашиш қўмитаси ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид битим имзоланди.
Ўзбекистон ва Хитой ишбилармонларининг кооперацион биржаси ҳам бўлиб ўтди.

**Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири.**

### ХАБАРЛАР

## «Ташаббус-2014» янги ташаббусларга йўл очмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄



Шайхонтоҳур туманидаги «MAGNUM MEDIKAL SERVIS» масъулияти чекланган жамияти раҳбари «Йилнинг энг яхши тадбиркори», Чилонзор туманидан Камолиддин Абдуллаев «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» йўналишлари бўйича биринчи ўринни эгаллаб, республика  босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.
— Танловда илк бор иштирок этишим – дейди «MAGNUM MEDIKAL SERVIS» раҳбари Отабек Жиянбоев. – Танловда жамиятимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган тиббиёт мебеллари, тиббиёт анжомлари (кварц лампалари, ўлчов асбоблари, хирургия, физиотерапия асбоблари)ни намойиш этдик. Инновацион лойиҳаларимиз махсули бўлган тиббиёт анжомлари болалар учун мўлжалланган бўлиб, уларнинг ҳар жиҳатдан соғлом камол топишига хизмат қилади, деб ўйлайман.
Танловда Учтепа туманидаги «LADY ART» масъулияти чекланган  жамият аъзолари ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этдилар.
— Жамиятимиз миллий ҳунармандчилик буюмлари экспорти билан шуғулланади, — дейди Сайёра Шоумарова. — Жорий йилда «Туркистонбанк»нинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан имтиёзли кредит олиб, 60 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Асосий мақсадимиз қўли гул ҳунармандларимизнинг санъат асари даражасидаги ижод намуналарини чет элларда ҳам тарғиб қилиш. Айни пайтда Москва ва АҚШнинг Санта-Фе шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро кўргазмаларга тайёргарлик кўряпмиз. «Ташаббус» танлови эса бу борадаги интилишларимизга яна бир туртки бўлади, деган умиддамиз.
Шунингдек, танлов якунида «Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори», «Йилнинг энг яхши аёл тадбиркори», «Энг яхши ёш ҳунарманд», «Ташаббус-2014» кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказишда фаол иштироки учун» каби  номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

**Рисолат МАДИЕВА.**

«Обод турмуш йили»да барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 6,9 трлн. сўмдан зиёд кредит ажратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, аёллар тадбиркорлигига 697 млрд., тадбиркорликка энди қадам қўяётган касб-ҳунар коллежи битирувчиларига 140 млрд. сўм сармоя ажратилган бўлса, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга эса 136 млрд. сўм кредит маблағи йўналтирилди.

# Мулоқот

# 2014 йилда 7,5 триллион сўм миқдорида кредит ажратилади

## «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси ташаббуси билан ташкил этилган навбатдаги «Очиқ мулоқот»да Марказий банк мутахассислари томонидан ана шу рақам тилга олинди

**Дарҳақиқат, иқтисодиётимизнинг қон томирига айланган молиявий ресурслар барча соҳа ва тизимларда модернизациялаш ишларини изчил давом эттириш, жойларда саноатни янада ривожлантириш, янги техника ва технологияларни ишга тушириш орқали минг-минглаб иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлмоқда. Шу ўринда 2013 — «Обод турмуш йили»да барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 6,9 трлн. сўмдан зиёд кредит ажратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, аёллар тадбиркорлигига 697 млрд., тадбиркорликка энди қадам қўяётган касб-ҳунар коллежи битирувчиларига 140 млрд. сўм сармоя ажратилган бўлса, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга эса 136 млрд. сўм кредит маблағи йўналтирилди. Бундай рақамлар, шубҳасиз, юртдошларимизнинг жуда катта қисми тадбиркорлик орқали иқтисодиётимизни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётганларидан далолатдир.**





Солих ЗОИР олган суратлар

**Халқаро рейтинг ташкилотларининг эътирофи юртимизда инвестицион муҳит яхшиланиб бораётганини ҳам билдиради. Ўзбекистоннинг барқарор банк тизими чет эл инвесторлари ўртасида катта қизиқиш уйғотаётгани боиси ҳам ана шунда. Хусусан, кейинги йилларда ДАТ «Асака» банк, «Алоқабанк», «Ҳамкорбанк», Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг халқаро рейтинг даражаси юқори баҳолангани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.**

«XXI ASR» таҳририятида ташкил этилган иккинчи «Очиқ мулоқот»да Марказий банк мутахассисларига тадбиркор ва фермерлардан ташқари кўплаб оддий фуқаролар ҳам мурожаат этгани банкларга бўлган ишонч ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматларга эҳтиёж юқори эканини ҳам кўрсатди.

Мулоқот пойтахтимизнинг Олмазор туманида истиқомат қилувчи Тоҳир Ҳайдаровнинг кейинги йилларда бир қатор тижорат банкларининг халқаро рейтингларда юқори кўрсаткичларни қайд этаётгани уларга қандай имтиёз ва имкониятлар беришига оид савол билан бошланди. Бу эса аҳолининг иқтисодий ислоҳотлар натижасига қизиқиши, дахлдорлик ҳисси юқори эканининг яна бир далилидир.

Маълумки, Президентимизнинг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори банклар фаолиятини халқаро стандартлар даражасида ташкил қилиш, баҳолаш ва халқаро молия бозорларида улар иштирокини кенгайтириш ҳамда инвестицион салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Халқаро рейтинг ташкилотларининг эътирофи юртимизда инвестицион муҳит яхшиланиб бораётганини ҳам билдиради. Ўзбекистоннинг барқарор банк тизими чет эл инвесторлари ўртасида катта қизиқиш уйғотаётгани боиси ҳам ана шунда. Хусусан, кейинги йилларда ДАТ «Асака» банк, «Алоқабанк», «Ҳамкорбанк», Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг халқаро рейтинг даражаси юқори баҳолангани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

**Андижонлик Ориф Ортиқов** эса Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси хусусидаги савол билан мурожаат қилди.

Мутахассисларнинг фикрича, белгиланган тартибга кўра, қайта молиялаш ставкаси Марказий банк ҳамда тижорат банклари ўртасида амалга ошириладиган депозит ва кредит операцияларида, пул-кредит муносабатларининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, халқаро амалиётда қайта молиялаш ставкаси асосан иқтисодий инфляция кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда, унинг даражасидан юқорироқ миқдорда белгиланади. Одатда инфляция даражаси юқори давлатларда қайта молиялаш ставкаси ҳам юқори бўлиб, иқтисодий ўсиш суръатларига мос равишда у камайтириб борилади. Шу тариқа кредитлар ҳажмини ошириш ва бандликни рағбатлантириш имкони яратилади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида кузатилган юқори инфляция даражасини пасайтириш мақсадида қайта молиялаш ставкаси ҳам юқори миқдорда белгиланган эди. Аммо кейинги йилларда тадбиркорлик ва инвестиция муҳитининг яхшиланиб бориши натижасида қайта молиялаш ставкаси мамлакатимизда босқичма-босқич тарзда пасайтирилмоқда.

**Навбаҳор туманида истиқомат қилувчи Мақсудбек**нинг телефон орқали берган саволини эса ёш оилалар учун жуда муҳим саволлардан бири, дейиш мумкин. Мамлакатимизда минг-минглаб ёш оилаларга кредит берилаётганига гувоҳ бўлган ўқувчимиз намунавий уй сотиб олиш учун банкдан кредит олишда гаров тақдим этиш тартиби билан қизиқди.

Банк мутасаддиларининг жавобига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида»ги Низомнинг 10-бандига мувофиқ, тижорат банкларининг ўз маблағлари ва жалб этилган сармоялар ҳисобидан бериладиган ипотека кредити миқдори қуриладиган, реконструкция қилинадиган ёки сотиб олинадиган уй-жой қийматининг 75 фоизидан ошмаслиги керак. Шунингдек, аризачи ипотека кредити олиш учун уй-жой қийматининг камида 25 фоизи миқдорида ўз сармоясига эга бўлиши, ушбу маблағ унинг номига банкда очилган ҳисобда миллий ёки чет эл валютасида сақланиши лозим.

Демак, тижорат банклари томонидан ипотека кредити ажратилишида қарз олувчи уй-жой ёки квартира қийматининг 25 фоизи миқдоридаги маблағи билан иштирок этиши лозим.

**Поп туманидаги «Анорбой ота» фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Анорбоев** эса қўшимча соҳа — чорвачиликни йўлга қўйиш мақсадида лизингга олинган трактордан гаров сифатида фойдаланиш мумкинми, деган масалада мурожаат этди.

Жавобдан маълум бўлишича, «Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан кредит олувчи томонидан тақдим этилган мол-мулк гарови мажбуриятларининг бажарилиши ҳақиқатан ҳам амалдаги тартиблар асосида белгиланади.

Шу боис, фермерга тегишли қишлоқ хўжалик техникаси агар қарздорлиги тўланган бўлса, банкнинг меъёрий талабларидан келиб чиққан ҳолда баҳоланиб, кредит олиш учун гаров сифатида қабул қилиниши мумкин.

Маълумки, мамлакатимизда аҳолига кредит хизмати кўрсатувчи микрокредит ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатаяпти. **Хоразмлик Акмал Юсупов** ана шундай ташкилотлардан бири — ломбардлар фаолиятини тартибга солиш амалиёти тўғрисида кенгроқ маълумот беришни сўради.

Ушбу саволга банк ходимлари атрофлича жавоб қайтардилар. Яъни: «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 50-моддасига мувофиқ, Марказий банк, энг аввало, молия-банк тизими барқарорлигини таъминлаш, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини тартибга солиш учун масъулдир. Шунингдек, белгиланган тартибларга риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориб, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини лицензиялаш билан шуғулланади.

Юқоридаги қонуннинг 51-моддасида Марказий банкнинг назорат доирасига кирувчи ваколатлари аниқ белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, микрокредит ташкилотлари ҳамда ломбардлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги ва «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонунларида белгилаб берилган. «Ломбардлар томонидан ҳисобот тақдим этиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, тегишли молиявий ҳисоботлар асосида улар фаолияти масофадан туриб ҳам назорат қилинади.

Мулоқотда бевосита иштирок этган **«Шарқ-Моҳинур» фермер хўжалиги раҳбари Моҳидил Алимардонова**нинг саволи ҳам банк мутасаддилари эътиборидан четда қолмади.

Моҳидилнинг айтишича, у «Савдогарбанк» Қибрай тумани филиалига «МТЗ-80» трактори сотиб олиш учун кредит сўраб мурожаат қилган. Банк ходимлари йилига 18 фоиз миқдоридаги устама билан кредит беришлари мумкинлигини айтишган.

Мазкур мурожаат ана шу мулоқот давомида ўз ечимини топганини алоҳида таъкидлаш лозим. Яъни, тадбирдан кейин «Савдогар» очиқ акциядорлик-тижорат банки мутасаддилари фермер хўжалигига Марказий банкнинг кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомига асосан фермер хўжалиги томонидан белгиланган тартибда ҳужжатлар тақдим қилинганидан кейин 5 йил муддатга 10 фоизли устама билан 150 млн. сўм миқдорида кредит ажратишга қарор қилганларини маълум қилдилар.

Қуйидаги савол ҳам кўпчилик тадбиркорларни қизиқтириши мумкин:

— «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун кичик бизнес вакиллари учун кенг имкониятлар яратмоқда, — дейди **оққўрғонлик Дилобар Ҳикматова.** — Биз асосан мебель ишлаб чиқарамиз. Фаолиятимизни янада кенгайтириб, ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Бир вақтнинг ўзида иккита тижорат банкидан кредит олишимиз ва гаров сифатида ҳар икки банкка автомобилимизни қўйишимиз мумкинми?

Марказий банк мутасаддилари бундай йўл тутиш белгиланган тартибларга зид эканини маълум қилдилар.

**Қизилтепа туманилик тадбиркор Гўзал Адизова ва Анвар Қўзиев** томонидан берилган саволларда эса ОАТБ «Халқ банки» Қизилтепа филиалида мижозлар мурожаатига эътиборсиз қаралаётгани тилга олинди.

«Очиқ мулоқот»ни ташкил этишдан мақсад ҳам жойларда тадбиркорлик билан шуғулланиб, иқтисодиётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган юртдошларимизга банклар фаолияти хусусида кенгроқ маълумот бериш, айрим ҳудудларимизда учраётган муаммоли масалаларга банк ва бошқа мутасадди ташкилотлар эътиборини қаратишдан иборат эди. Қарийб икки соат давомида олтмишга яқин савол тушган мулоқот сўнгида биз ана шу мақсадга муайян маънода эришдик, деган хулосага келдик.

Шунинг учун ҳам «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатини ҳимоя қилаётган партия нашри сифатида бундай учрашувларни йил давомида изчил ўтказишини маълум қиламиз.

**Носир ТОШЕВ,**
**Темур АБДУРАҲМОНОВ**
**тайёрлади.**

## Икки ойда қарийб тўрт миллион доллар

Президентимиз Ислом Каримовнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, айниқса, хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш борасидаги долзарб вазифалар ижросини таъминлаш жамғармамиз зиммасига ҳам алоҳида вазифалар юклади.

Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан улкан ишлар амалга оширилаётган бир пайтда соҳа вакилларини янада кенгроқ рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислоҳ этишнинг энг муҳим йўналишига айланаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Бу борада O'zLiDeP нашри — «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетасининг тадбиркорликни ривожлантиришга масъул бўлган ташкилотлар билан «Очиқ мулоқот»лар ўтказаётгани ҳам айни муддао бўлмоқда. Биринчи мулоқотда айнан жамғарма раҳбарлари иштирок этгани эса фаолиятимиз хусусида тадбиркорларга янада кенгроқ маълумот бериш имконини яратди. Унда таъкидланганидек, жамғармамиз томонидан экспорт билан шуғулланиш истагидаги бизнес субъектларига молиявий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан кўмак берилиб, ўтказилган маркетинг натижаларига кўра, дунёнинг 177 мамлакатида 48 хил маҳсулот ва 25 та хизмат гуруҳи импортига эҳтиёж мавжудлиги аниқланди.

Жамғарма мутахассислари ҳудудлар кесимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари ассортименти ҳамда турларини таҳлил этиб, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатдошлик даражаси асосида тегишли ахборот базасини яратдилар. Ана шу жараёнда 1600 дан зиёд тадбиркорлик субъектининг экспорт салоҳиятига эга экани маълум бўлди. Бундай ишлар Жиззах вилоятида ҳам изчил амалга оширилаётир.

Хусусан, жамғарма филиали томонидан 2014 йилнинг январь-февраль ойларида 30 га яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига кўрсатилган ҳуқуқий-ташкилий хизматлар натижасида жами 3,6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижга экспорт қилинди. Бундан ташқари, барча туманларда тадбиркорлар билан давра суҳбатлари ўтказилиб, жамғарма томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳамда тадбиркорлар учун яратилаётган қулайликлар, имтиёзлар ва шароитлар хусусида ҳам кенг маълумотлар берилмоқда. Натижада ўнлаб тадбиркорларимизга хорижга ўз маҳсулотларини экспорт қилиш имкони яратиляпти. Хусусан, Зарбдор туманидаги «Каперс Агро Сервис» МЧЖ сингари тузилмалар жамғарма ва унинг ҳамкорлари ҳисобидан хорижий ярмарка ҳамда кўргазмаларда қатнашиш истагини билдирдилар. Бу эса, шубҳасиз, жиззахлик тадбиркорларнинг экспорт имкониятларини оширишда муҳим роль ўйнайди.

**Абдулла ТОҒАЕВ,**
**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Жиззах филиали директори**

# Сиёсий партиялар ва Ҳисоб палатасининг ҳисоботлари тингланди

**12 МАРТ КУНИ ДЕПУТАТЛАР ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ МАЖЛИСИНИНГ АВВАЛ ТАСДИҚЛАНГАН КУН ТАРТИБИГА КИРИТИЛГАН МАСАЛАЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИНИ ДАВОМ ЭТТИРДИЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида парламентга берилган ваколатларга мувофиқ Қонунчилик палатаси сиёсий партияларнинг 2013 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқди. Ушбу масала бўйича Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгашининг раиси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси ҳисобот маърузалари билан сўзга чиқдилар.

Сиёсий партияларнинг етакчилари давлатимиз томонидан кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга берилаётган катта эътибор туфайли мамлакатимизда давлат аҳамиятига молик энг муҳим масалаларни ҳал қилишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсири сезиларли даражада кучайганлигини таъкидладилар. «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонун бўйича сиёсий партия агар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайлов якунларига кўра Қонунчилик палатасида фракция ташкил этиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларига эга бўлган бўлса, ўз устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга.

Маърузачилар Ўзбекистоннинг барча сиёсий партиялари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда молиявий ҳамда бухгалтерлик ҳисоботини тақдим этганлигини таъкидладилар. Улар ҳисобот даврида молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ва сарфланиши ҳақидаги молиявий ҳужжатларни молия органларига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ва Адлия вазирлигига ўз вақтида топширдилар.

Ушбу масалани муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифаларнинг амалга оширилишида сиёсий партияларнинг роли кучайиб бораётганлиги муносабати билан уларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлашда парламент назорати алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қайд этдилар.

Депутатларнинг фикрича, сиёсий партияларнинг моддий-молиявий, ташкилий-кадрлар ҳамда бошқа ресурслари уларнинг ўз дастурий мақсадлари ва вазифаларини амалда рўёбга чиқаришда катта аҳамиятга эга, шу сабабли улар шаффоф ва қонуний, доимо жамоатчилик назоратида бўлиши муҳимдир. Шунингдек, кўппартиявийлик тизими ривожланаётган, парламентда ва жамиятда сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат кучайиб бораётган шароитларда бу масала доимо депутатларнинг диққат-эътиборини талаб қилади. Хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган даврда бюджет маблағларидан жуда оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш лозим.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар сиёсий партияларнинг 2013 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилдилар.

Шундан сўнг Олий Мажлиснинг қуйи палатаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилги ҳисоботини кўриб чиқди. Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосари Қ.Акмалов ҳисобот билан сўзга чиқди. Маърузачи Ҳисоб палатасининг ҳисобот давридаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил январь ойида бўлиб ўтган 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилганлигини қайд этди.

Бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2012 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг ташқи аудити ва уни баҳолаш ўтказилди, солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари ҳамда мамлакатимизнинг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳаси экспертиза қилинди. Ҳисоб палатаси томонидан республика ва маҳаллий миқёсда Давлат бюджетининг шаклланиши ва ижроси устидан назорат ташкил этилди, бюджет маблағларининг қонунийлиги, мақсадли йўналтирилиши ва улардан самарали фойдаланилиши текширилди.

Давлат бюджетининг даромад қисми тўғри шакллантирилиши, шунингдек, ҳудудларда ва тармоқлар бўйича бюджетдан моддама-модда ва тўлиқ фойдаланилиши таҳлил қилинди, асосий даромад манбалари бўйича прогноз кўрсаткичларининг ҳақиқийлигига баҳо берилди. Бундан ташқари, Ҳисоб палатаси томонидан давлат бюджетига жамланадиган бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг шакллантирилиши, уларнинг мақсадли, оқилона ва самарали сарфланиши устидан узлуксиз назорат амалга оширилди, бошқа муҳим йўналишлар бўйича ишлар олиб борилди. «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунни ижро этиш мақсадида Ҳисоб палатаси сиёсий партияларнинг молиявий маблағлари шакллантирилишини, шунингдек, улардан мақсадли фойдаланилишини текширди.

Савол-жавоблардан сўнг ҳисобот батафсил муҳокама этилди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилги ҳисоботини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

# Қонунни такомиллаштириш жараёнида O`zLiDeP иштироки

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»



— «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқларини тўла таъминлаш баробарида бошқарув органлари қарорларининг сифати учун жавобгарликни кучайтириб, жамиятда фикрлар хилма-хиллигини кенгайтиришда мустаҳкам замин яратади, – дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабоев. – Юртбошимиз фармойишига мувофиқ, 2013 йилнинг март-декабрь ойларида мазкур қонун лойиҳаси эксперимент тарзида икки вилоятда синовдан ўтказилгани эса унинг ҳар бир нормасини амалда қўллаш ва аниқланган камчиликлар устида қайта ишлаш имконини берди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий эксперимент тадбирларида нафақат ишчи гуруҳига аъзо депутатлар, балки сиёсий партиялар вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам фаол иштирок этишди.

Парламент қуйи палатаси депутатлари, хусусан, сиёсий партиялар фракциялари томонидан қонун ижодкорлиги фаолиятининг услублари тобора такомиллаштирилиб борилаётгани ўз навбатида қабул қилинаётган ҳужжатларнинг сифатини яхшилашда долзарб аҳамият касб этаяпти. Буни биргина юқорида тилга олинган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси йиғилиши муҳокамасига тайёрлашда O`zLiDePнинг иштироки мисолида ҳам кўриш мумкин.

– Қонун лойиҳасида ўз аксини топган нормаларни моддама-модда таҳлил қилиш, уларни электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш жараёнига партия фаоллари ва ҳудудий тузилмаларининг бевосита қатнашиши билан уйғун ҳолда ёндашилгани яхши самара берди, – дейди O`zLiDeP фракцияси раҳбари Бахтиёр Якубов. – Шу ўринда Президентимизнинг ҳуқуқий эксперимент ўтказишга оид фармойиши Ўзбекистоннинг янги ҳуқуқий амалиётида ноёб ҳодиса, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасида амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг мантиқий давоми бўлганини ҳам эътироф этиш керак. Мазкур услуб сўз ва ахборот эркинлиги, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасида илк бор қўлланилган бўлса-да, шубҳасиз, фуқароларнинг ахборот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни кенгайтиришга хизмат қилди. Бошқача айтганда, уни Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги назарияси ва амалиётини тизимли такомиллаштириш жараёнидаги навбатдаги муҳим босқич, яъни сифат кўрсаткичи деб аташга етарлича асосларимиз бор.

Юқорида таъкидланганидек, O`zLiDePнинг қонунни такомиллаштиришдаги иштироки партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг махсус йиғилишида тузилган Ишчи комиссияси, Бухоро ва Самарқанд вилоят кенгашларидаги ишчи гуруҳлари томонидан бир-бирига узвий боғлиқ уч йўналиш – ҳуқуқий эксперимент маъно-мазмунининг тарғиботи, қонун лойиҳаси қоидаларини амалда қўллаш самарадорлигини ўрганиш ва ниҳоят, юзага келадиган масалалар ҳамда мавжуд камчиликларга ҳуқуқий ечим топишда фракциянинг аниқ таклифларини тайёрлаш бўйича амалга оширилди.

Биринчи йўналиш бўйича 2013 йилнинг апрель-сентябрь ойларида O`zLiDeP томонидан ҳар икки вилоятда давра суҳбатлари ва семинарлар шаклида 30 дан зиёд тадбир ўтказилиб, уларга 4 мингдан ортиқ электорат вакили жалб этилди. Хусусан, ўтган йилнинг 3-6 сентябрь кунлари тадбиркор ва фермерлар иштирокида уюштирилган давра суҳбатларида ҳам ҳуқуқий эксперимент натижалари, унинг аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди. Мазкур тадбирларда муҳокама қилинган масалалардан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида «XXI asr» газетасида 20 дан ортиқ, партия расмий веб-сайтида эса 30 га яқин таҳлилий мақола эълон қилинди.

Шу ўринда партия электорати, жумладан, Бухоро ва Самарқанд вилояти аҳолиси «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» яхлит қонун қабул қилинишини нафақат қўллаб-қувватлаши, балки ҳали ҳуқуқий эксперимент давридаёқ ушбу ҳудудларда бизнес муҳити сезиларли равишда яхшилана бошлаганини таъкидлаганларини алоҳида қайд этиш жоиз. O`zLiDeP фаоллари билан мулоқотда бўлган электорат вакилларининг фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш, жамиятни янада демократлаштиришга кучли туртки беради. Масалан, партия электорати қонуннинг 11 моддаси талаблари асосида давлат ҳокимияти ва бошқарув органининг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган маълумотлар (танловлар, аукционлар ва бошқа тадбирлар ҳақида) мазкур орган фаолиятининг шаффофлигини таъминлаши баробарида бу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокини кенгайтиришга кўмак беришини таъкидладилар.

Табиийки, қонун лойиҳаси юзасидан ўтказилган ҳуқуқий эксперимент амалиётда юзага келадиган масалаларга уни қабул қилишдан аввал ҳуқуқий ечим топиш юзасидан фракциянинг аниқ таклифларини тайёрлашда ҳам қўл келди. Натижада қонун лойиҳасида ифодаланаётган сўз ва терминлар турлича талқин этилмаслигининг олдини олиш мақсадида уларни янада аниқлаштириш, веб-сайтларга давлат органи фаолиятига оид маълумотларни жойлаштиришда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, мурожаатларга жавоб қайтириш муддатлари ва ахборотларни янгилаш даврийлигига жиддий эътибор қаратиш, веб-сайтларда жойлаштирилиши шарт бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини қонунда белгилаш, сўралган маълумотларни турли баҳоналар билан инкор қилишга уринадиган мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг Ҳайъат йиғилишларида нафақат ННТ, балки сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакилларининг бемалол иштирок этишини таъминлаш каби масалаларда ўнга яқин аниқ таклиф киритилди. Қонун лойиҳасининг айрим нормалари бўйича фракциялараро мунозаралар уюштирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган йиғилишида алоҳида эътироф этилганидек, мазкур таклифларнинг аксарияти қабул қилинган қонунда ўз аксини топди.

Хулоса қилиб айтганда, Сенатга юборилган мазкур қонунда жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш тартиблари белгиланиб, аҳолининг кенг қатламлари, жамоат бирлашмаларининг улар томонидан қабул қилинаётган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларига таaллуқли қарорлари тўғрисидаги ахборотдан янада кенг фойдаланишини таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши ижро ҳокимияти органларининг ўз қарорлари сифати учун жавобгарлигини ошириш, жамиятимизда фикрлар хилма-хиллигини кенгайтиришга хизмат қилади.

## ХАБАРЛАР

### Жамғарманинг амалий ёрдами

Маълумки, O`zLiDeP қатор йиллардан буён Савдо-саноат палатаси ва Фермерлар кенгаши билан Бош битим асосида изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган йили партиянинг ҳамкорлари сафига Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳам қўшилди.

– Фаолият бошлаганимизга ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, зиммамизга юклатилган вазифалар асосида кўплаб тадбиркор ва фермерларга экспорт масаласида аниқ ёрдам беришга улгурдик, – дейди жамғарманинг Сирдарё вилоят филиали директори Собир Мамадиёров. – 2014 йилнинг январь ойидагина 20 га яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига 250 минг АҚШ доллари миқдоридаги шартномалар тузиш ва рўйхатга олишда ҳуқуқий-ташкилий ёрдам кўрсатилди. Жамғарма кўмагида вилоят тадбиркорларининг 100 минг доллар миқдоридаги маҳсулотлари хорижга экспорт қилинди. Аслида жамғармамизга қўйилган талаб ҳам тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларини чет элларга чиқариш, харидорлар излашда, экспорт операцияларини амалга оширишда хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензиялар, сертификатлар ҳамда бошқа рухсатномаларни олишда юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатишдан иборат. Бу борада мулкдорлар манфаатини ифодалаётган сиёсий куч билан яқин ҳамкорлигимиз ҳам яхши самара беряпти.

### Таълим тизими ўзини оқлаяпти

Айтишларича, инсоннинг камолотга етишишида маданият, маънавият, маърифат ва мафкурага оид билимлар асосий омил бўлар экан. Лекин инсоннинг онгу шуури энг аввало унинг маънавияти ва маърифатида тўлиқ намоён бўлади, десак адашмаймиз.

Зеро, ҳар бир мамлакатнинг куч-қудрати, бойлиги, илмий-маърифий салоҳияти кўп жиҳатдан таълим тизимига қанчалик эътибор бераётганига боғлиқдир. Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ таълим тизимига бирламчи эътибор қаратилди. Айниқса, Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълимнинг жорий этилгани айни муддао бўлди. Бунинг самараси ўлароқ, ҳозирга келиб, касб-ҳунар таълимини пухта эгаллаган ёшлар, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларга тайёр мутахассис сифатида кириб бормоқдалар. Ангрен тиббиёт коллежи ҳам ана шу жараёнларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Айни пайтда таълим масканимизда 1147 нафар ўқувчи таҳсил оляпти. Коллежда уч йўналиш бўйича ўрта тиббиёт ходимлари тайёрланади. Таълим-тарбия ишлари бири-бирини тўлдирувчи узвий жараёнга айланган. Хусусан, коллеж ўқувчиларини она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари» мавзуидаги семинар ҳамда «Энг билимдон, энг зукко, энг иқтидорли ўқувчи» каби кўрик танловларнинг ташкил этилаётгани ёшларнинг маънавий-ахлоқий, қолаверса, жисмоний камолотида муҳим роль ўйнамоқда.

**Инобат НУРМАТОВА, Ангрен тиббиёт коллежи ўқитувчиси.**

## «АЁЛЛАР ҚАНОТИ»

# Дастурий вазифалар ижроси йўлида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА,**
«XXI asr»

Бу жараёнда O`zLiDeP вилоят кенгаши ҳам фаол иштирок этаётир. Жумладан, «Аёллар қаноти» ташаббуси билан якунланган йилда 250 дан ортиқ сиёсий, маънавий-маърифий тадбир ўтказилиб, тадбиркор аёлларга 262 млн. 900 минг сўм миқдоридаги кредит олишларида амалий ёрдам берилди. Натижада 42 нафар хотин-қиз доимий, 100 нафардан ортиғи эса мавсумий иш билан таъминланди.

— Галдаги муҳим сиёсий тадбирларни «Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ тарзда ўтказяпмиз, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгашининг «Аёллар қаноти» бўлими раҳбари Умида Исаева. — Зеро, бугун кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва сервис соҳасини ривожлантиришда хотин-қизларнинг ҳам улуши кенгайиб бормоқда. Аҳоли ўртасида бандлик даражасини оширишда эса оилавий тадбиркорликка янада катта аҳамият қаратяпмиз. «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси доирасида жойларда ўтказилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари ҳам айни шу масалага қаратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, оилавий меҳнатга асосланган тадбиркорликнинг ушбу тури чиндан ҳам аёллар учун қулай ва манфаатлидир. Чунки улар ўз касб-ҳунарлари орқали биринчидан, оила даромадига даромад қўшаётган бўлишса, иккинчидан, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилишмоқда.

Дарҳақиқат, бугун Андижон вилоятида 22 мингдан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар фаолият юритаётганлиги, уларнинг 10 мингдан ортиғини хотин-қизлар бошқараётганини инобатга олсак, иқтисодий ислоҳотлар самараси кўз ўнгимизда яққол намоён бўлади.

— Маълумки, депутатлар билан сайловчилар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш умумий ишимиз учун жуда муҳимдир. Қолаверса, электоратимиз манфаатлари шуни тақозо этади, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси ўринбосари Хуршида Халилова. — Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси билан Ўзбекистон Фермерлар кенгаши ўртасида тузилган битим доирасида фермерлик, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш дастурий вазифаларимиздан биридир. Бунинг амалий самарасини айтмаса ҳам бўлади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўзаро ҳамкорлик туфайли 36 та мурожаат ижобий ҳал қилиниб, сафимиздаги хотин-қизлар сони 300 нафарга ортди.

Энг муҳими, вилоятда кўзда тутилган партиявий тадбирлар шунчаки эмас, балки фаоллик ва ишчанлик руҳида ўтказилиб, уларнинг сиёсий таъсирчанлиги таъминланаётир. «Аёллар қаноти» кўмагида ташкил этилган «Кичик безнес ва тадбиркорлик ривожи — соғлом ва обод турмушнинг муҳим шартидир» мавзуидаги форум, «Соғлом оила — мустаҳкам оила» доирасидаги давра суҳбатлари айнан шундай мақсадга хизмат қилди, десак адашмаймиз. Хусусан, юқоридаги тадбирлар доирасида 5 нафар андижонлик дугоналаримизнинг молиявий муаммолари ҳал қилиниб, бизнес лойиҳалари имтиёзли кредит маблағлари билан таъминланди, 200 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

Умуман, «Соғлом бола йили»да Андижонда партиянинг дастурий вазифаларига масъулият билан ёндашилиб, электорат сафларини кенгайтириш, либерал-демократик ғоялар моҳиятини омма онгига етказиш диққат марказида тутиляпти.

Зеро, бугун тараққиёт ва фаровонлик йўлида ташланган ҳар бир қадам эртанги ёруғ кунимиз учун қўйилган мустаҳкам пойдевордир.

Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

**10 (538)-сон,** 2014 йил 13 март, пайшанба

# Таянч нуқтаси

Маълумки, ҳар қандай сиёсий партия қуйи бўғинлари билан кучли ва барқарордир. Зеро, улар фаолиятини намунали йўлга қўймай туриб, муваффақиятга эришиб бўлмайди

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»






**«БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РАИСИ ВАЗИЯТНИ, ТЕЗ ЎЗГАРИБ БОРАЁТГАН СИЁСИЙ ШАРОИТНИ ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛИШИ ВА ЖОЙЛАРДАГИ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ УЧУН БУТУН МАСЪУЛИЯТНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛИШГА ТАЙЁР ТУРИШИ КЕРАК»**

O`zLiDeP Уставидан.

Айни пайтда Қашқадарё вилоятида партиянинг 12288 нафар аъзоси бўлиб, улар 710 та бошланғич ташкилот атрофига уюшган ҳолда фаолият юритишмоқда. Хусусан, БПТлар ишини такомиллаштириш, уларнинг ғоявий таъсир доирасини кенгайтиришга биринчи даражали эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

O`zLiDeP фаолиятидаги энг муҳим тадбир — ҳисобот-сайлов йиғилишлари давомида ҳам асосан ана шу масалалар атрофлича таҳлил этиляпти. Шу кунгача ўтган тадбирларда 18 нафар янги етакчи сайланган бўлса, 156 нафарига эса яна ишонч билдирилди. Партия Уставига кўра, вилоятдаги бир қатор йирик корхоналар, жумладан, «Шўртангазкимё» мажмуаси, «Шўртаннефтгаз» ва «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхоналари, Талимаржон ИЭС, Муборак газни қайта ишлаш заводида БПТ кенгашлари тузилган бўлиб, улар электорат вакилларининг билим ва малакасини ошириш, сиёсий жараёнлардаги иштирокини янада кенгайтиришда ўзига хос таянч нуқта вазифасини ўтамоқда.

Ғузор тумани ҳудудидаги «Шўртангазкимё» мажмуасида ўз атрофига 1400 дан ортиқ фаол ва ташаббускор аъзони жипслаштирган қуйи бўғин иш олиб боряпти. БПТ аъзолари туманда ишсизликни камайтириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Шу боис нафақат электорат вакиллари, балки оддий фуқаролар ҳам муаммо пайдо бўлганда туман партия кенгашига, қуйи бўғинларга мурожаат қилишга одатланиб қолишган. Қарши шаҳридаги «Санам» акциядорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти ҳақида ҳам илиқ фикрлар билдириш мумкин. Фаоллар зиммадаги масъулиятни тўла ҳис этиб, давр билан ҳамқадам бўлиш, турли ҳаётий муаммоларни жойида ҳал этиш, ғоявий-сиёсий ишларни янада жонлантиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Муборак туман партия кенгаши ҳам ана шундай талаблар асосида қуйи бўғинлар фаолиятини кенгайтириш, уларнинг омма билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга жиддий аҳамият қаратмоқда. Жойларда турли мавзуларга оид машғулотлар ўтказилиб, уларда БПТ раислари ва фаолларнинг тўлиқ иштироки таъминланаётир. Ўтган қисқа давр мобайнида меҳнат жамоаларида йигирмага яқин ана шундай тадбир ташкил этилди. Туманда партия тарафдорлари сафи тобора кенгайиб бораётган экан, бу шубҳасиз, тинимсиз изланиш ва сиёсий ташкилотчилик самарасидир.

— Бугун туманимизда 40 та бошланғич ташкилоти бўлиб, улар ўз атрофига мингга яқин аъзони бирлаштирган, — дейди O`zLiDeP туман партия кенгаши раиси ўринбосари Абдурайим Меҳмонов. — Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ошкоралик, ўз-ўзини танқид руҳида ўтказилмоқда. Жумладан, 19 нафар етакчидан 3 нафарига ишонч билдирилмади. Бу эса улар фаолияти қониқарли баҳоланмаганидан далолатдир.

Маълумки, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни жадаллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш орқали халқ фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш партиямизнинг ғоявий мақсади саналади. Шундай экан, масъулиятни янада оширишимиз лозим. Ҳар чоракда ўтказиладиган кўргазмали семинарларда мавжуд ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилиниб, илғор БПТлар тажрибасини оммалаштириш чоралари кўрилмоқда. Негаки, қуруқ сўз билан эмас, амалий ишлар орқалигина эл-юрт ишончини қозониш мумкин.

Шунга ўхшаш фикрларни O`zLiDeP вилоят кенгаши консультанти А.Кенгбоевдан ҳам эшитдик. Унинг айтишича, қуйи бўғинлар фаолиятини такомиллаштириш, партия аъзоларининг сиёсий масъулиятини ошириш айни пайтдаги энг асосий масалалардан биридир. Вилоят кенгаши аъзолари, депутатлар жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, турли мавзуда сиёсий тадбирларни ўтказишда яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда.

— БПТлар учун алоҳида «Фаолият дафтари» юритишни йўлга қўймоқчимиз, — дейди А.Кенгбоев. — Бу тажриба ўзини оқлайди, албатта. Чунки дафтардаги қайдлар орқали биз муайян бошланғич ташкилот ишини муносиб даражада баҳолаш имкониятига эга бўламиз. Мақсад битта: партиявий-сиёсий ишларни янада жонлантириш, омма ишончини кенгроқ қозониш ва шу орқали ислоҳотларни чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшишдир.

## Масъулиятли жараён давом этаётир



Қуйи бўғинларда ўтказилаётган ҳисобот-сайлов йиғилишлари Қорақалпоғистонда ҳам уюшқоқлик билан ўтмоқда.
Жўқорғи Кенгес ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда таниқли ишбилармонлар, фермерлар қатнашаётган тадбирларда ўртага ташланган таклиф ва тавсиялар атрофлича муҳокама этилиб, улардан тегишли хулосалар чиқарилмоқда.
Шу кунгача ҳудуддаги 595 та қуйи бўғиннинг 209 тасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. 3,5 мингдан зиёд партия аъзоси қатнашган тадбирларда 170 нафар етакчи қайта сайланди. 39 та бошланғич ташкилот фаолияти эса талаб даражасида эмас, деб топилди ва уларга ташаббускор, партия дастурий мақсадларини тарғиб этиш йўлида астойдил ишлай оладиган ёш етакчилар сайланди.
Ҳисобот-сайловлар давомида ўтказилган учрашув ва мулоқотлардан кейин 120 нафар киши O`zLiDeP сафида бўлиш истагини билдиргани ҳам эътиборга молик.

**Саламат КУДАЙБЕРГЕНОВ,**
**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши масъул ходими.**

## Мақсадимиз — электорат ишончини қозониш

«Риштонпахтатозалаш» ОАЖда 15 нафар аъзони бирлаштирган қуйи бўғин иш бошлади.
— O`zLiDePнинг ғоя ва мақсадлари, амалий ишлари билан танишгач, мазкур сиёсий куч сафида бўлишга қарор қилдик, — дейди янги қуйи бўғин етакчиси Иноят Қодирова. — Мақсадимиз ваколатларимиз доирасида иш юритиб, электорат манфаатларини ифодалаш ва шу орқали партия мавқеини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишдир. Эътиборлиси, яна 10 нафарга яқин жамоадошимиз партияга аъзо бўлиш истагини билдирди. Қуйи бўғиннинг келгусидаги йиғилишларида ушбу масала ҳам кўриб чиқилади.

**А.МУСУРМОНОВ.**

## Исломбекнинг орзулари бир олам

**Президентимиз соврини учун ўтказиладиган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танловининг 2013 йилги вилоят босқичида бўзлик Исломбек Собиров энг ёш тадбиркор сифатида рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлган эди. Бундан руҳланган ёш тадбиркор банк муассасасидан 15 млн. сўм кредит олиб, ўз фаолиятини кенгайтирди ва 4 нафар йигит-қизни иш билан таъминлади. Ҳозирги кунда хусусий корхонада тайёрланаётган бежирим, сифатли пойабзаллар кўпчиликка маъқул бўлмоқда.**
**— Банкдан яна 50 млн. сўм кредит олмоқчиман, — дейди у. — Агар ушбу лойиҳа амалга ошса, яна 20 нафар йигит-қизни иш билан таъминлаш имконияти туғилади.**

## Карманада қонунлар қатъий назорат қилинади



O`zLiDeP Навоий вилоят кенгаши ташаббуси билан Кармана туманидаги «Ёшлик ғурури», «Кармана зафар барака», «Қаҳрамон» сингари фермер хўжаликларида иш олиб бораётган бошланғич ташкилотларда Президентимизнинг Асосий қонунимиз қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган йиғилишдаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда партия аъзолари олдида турган масалалар муҳокама қилинди.
Маҳаллий кенгаш депутатлари, сиёсатшунос олимлар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси вакиллари, БПТлар етакчилари иштирок этган тадбирларда амалдаги қонунлар ижросини назорат қилишда масъулиятни ошириш, тадбиркорлар ҳамда қишлоқларда етакчи кучга айланган фермерлар фаолиятига халал бераётган айрим муаммоларни ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди.
— Туб ислоҳотлар жараёнида либерал-демократик ғояларни илгари сураётган O`zLiDePнинг мавқеи Карманада ҳам тобора мустаҳкамланяпти, — дейди «Рафаэл Бўрон» МЧЖ раҳбари, БПТ раиси К.Бўронов. — Бу эса албатта, мулкдорлар синфи манфаатларини изчил ифодалашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар самарасидир.

**М. АСЛОНОВ.**

## Қиргулиликлар ташаббуси



Кейинги пайтда Фарғона шаҳрининг Қиргули мавзесидаги айрим кўп қаватли уйлар атрофида турли ноқонуний қурилишлар авж олиб, мавзенинг ўзига хос ташқи қиёфасига путур етаётган эди.
«Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонасида иш олиб бораётган қуйи ташкилот фаоллари ташаббуси билан ана шу ҳолатга узил-кесил барҳам берилди. Чунончи, ушбу масала БПТ ташаббуси билан партия шаҳар кенгашида ўрганилиб, шундан кейин депутатлик гуруҳи мажлисида атрофлича кўриб чиқилди. Шаҳар кенгаши депутати А.Аббосовнинг депутатлик сўрови эса шаҳар Архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи Б.Эркабоевни амалий ҳаракатларга ундади.
Пировардида Қиргули «юзи»даги доғлар ўрнида яшил майсазорлар пайдо бўлди.

## Қулай, энг асосийси — камхарж



O`zLiDeP Шўрчи туман кенгаши ташаббуси билан жойларда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда белгиланган имтиёз ва қўшимча имкониятлар кенг тарғиб этилмоқда.
— Бугунги давр ишбилармонликнинг мазкур шаклини янада ривожлантиришни тақозо этмоқда, — дейди партия туман кенгаши раиси ўринбосари А.Дониёров. — Зеро, оилавий тадбиркорлик миллий анъаналаримиз, хўжалик юритишнинг мавжуд ҳолатига тўла мос келиши баробарида, иқтисодий жиҳатдан ҳам манфаатлидир. Ўтказилаётган тадбирларда тумандаги 25 та қуйи бўғин аъзоси фаол иштирок этаётганини алоҳида қайд этмоқчиман. Улар 13 та оилавий корхона фаолиятини таҳлил этиб, бизнеснинг ушбу шакли ниҳоятда қулай эканини учрашувларда жонли мисоллар билан тушунтиришяпти.

**Б.ИСРОИЛОВ.**



# «Эман бобо»

## Саксон ёшга яқинлашган Файзулла ота Ғаниев йигирма йилдирки, эман дарахти экиб, ҳудудларни боғ-роғларга айлантириш орқали чорвачиликни ҳам ривожлантириш мумкинлигини исботлаб келяпти

Қаршида «Эман бобо» номи билан танилган ташаббускор инсон бутун умр фақат янгиликка интилиб яшади.

— Тадбиркорлик — бу изланиш, имкониятларни яратиш демак, — дейди Файзулла ота биз билан суҳбатда. — Мураббий ва ҳуқуқшунос бўлсам-да, ёшликдан боғбонликка меҳрим тушган. Кейинроқ биогумус тайёрлашга қизиқиб қолдим. Тиниб-тинчимаслик, меҳнатсеварлик ҳам инсон саломатлиги учун кони фойда экан. Нафақада бўлсангу сендан маслаҳат сўраб турувчилар кўп бўлса, кучингга куч, ғайратингга ғайрат қўшиларкан. Нафақат воҳамиз, балки бутун Ўзбекистонимизни кезиб, эман дарахтлари етиштириш мақсадидаги кишиларни излайман.



Айни пайтда «Пахтазор» миттитуманидаги кўп қаватли уйда истиқомат қиламан. Уч сотих майдонда 100 мингдан зиёд эман кўчати тайёрлаб қўйганман. Агар уларнинг ҳар бирини минг сўмдан сотсам, 100 миллион сўм пул бўлади. Мана сизга бой бўлиш усули. Албатта, бунинг учун эман ёнғоқларини териш, саралаш, ер тайёрлаш, кўчат униб чиққунга қадар тер тўкиш керак. Аммо гуркираб турган ниҳолларни кўрсам, чеккан заҳматларим унутилади. Бундан ташқари Калифорния қизил чувалчангини ҳам парваришлайман.

**— Бу дарахтнинг қандай фойдали хусусиятлари бор?**

— Илдар қарағайи, чинор, бақатерак, қайрағоч ва тол дарахтлари фойдасиз саналади. Эман эса лалми жойларда ҳам кўкараверади. Агар фермерлар дала четларига эман экишса, икки-уч йилдан кейин жуда катта фойда кўришлари мумкин. Энг асосийси, эман ёнғоғи чорва моллари учун ҳам тўйимли озуқа. Фермерлар миллионлаб сўмга ем сотиб олишади-ю, экин майдонлари атрофига эман экишни хаёлларига келтиришмайди. Тошкентда эман ёнғоғи билан қўй боқишади. Қарши-Бешкент йўлида эман ёнғоғини териб юрганимда, бир озарбайжонлик йигит машинасини тўхтатиб, «Ҳа, отахон, қўйларга шоколад теряпсизми?» — деб қолди. У билан суҳбатлашиб, Озарбайжонда эман меваси билан қуй-эчкиларни семиртиришларини билдим. Шундан сўнг, эман ва акация мевасини чорва моллари боқиш учун ишлата бошладим. Ҳозир Қарши шаҳридаги кўп оилалар эман ёнғоғи билан новвос боқишга ўтишган. Навоий шаҳри автовокзали ёнидаги шўр ерда ҳам, вилоятимизнинг Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши, Нишон, Кўкдала, Қарши туманларида ҳам эман мева бериб турибди. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти билан ҳам ҳамкорлик қиламан. Ҳар бир факультет 100 тадан кўчат эккан. Институт ҳовлисида кўчат ва Калифорния чувалчангини кўпайтиряпмиз. Бу ишларни талабалар ўз қўллари билан амалга оширишяпти. Қанийди, мамлакатимиздаги ҳар бир институт, коллеж ва мактабларда ҳам эман кўчати етиштириш ва экиш йўлга қўйилса, миллиардер ўқув даргоҳлари сони янада ошган бўларди.

Эманни совуқ урмайди, сувсизликка чидамли, ҳаттоки сариқ қурт ҳам ея олмайди. Ўн йилда иморатбоп ёғоч бўлади.

Эман экин майдонларини гармсел ва бошқа табиий офатлардан ҳам ҳимоя қилади. Йиллар давомида пахтазорларда ўтказилган тажрибалардан шу нарса маълум бўлдики, дала четида иҳота дарахтлари экилган майдонларда ғўза ҳосил тугунларининг тўкилиш даражаси 50 фоизгача камайган. Дарахтсиз майдонларда эса гарчи сув етарли бўлса ҳам ҳосил тугунлари тўкилиши 75-85 фоизни ташкил этган. Тўғри, иҳота дарахтларини дала четига шакллантириш учун кўп йил керак. Шу боис, бундай табиий тўсиқларни яратиб бериш билан бирга, мавжудларини асраб қолишга жиддий эътибор қаратиш лозим. Агар фермер дала четига 100 та эман дарахти экиб қўйса, ҳам экинларини шамол эррозиясидан сақлайди, ҳам чорваси учун мўлгина озуқа етиштиради.

**— Калифорния чувалчанги етиштириш ҳосилдорликни оширади, дейишади?**

— Шаҳрисабз туманидаги Янги қишлоққа борганимда, битта хонадонга бепул Калифорния чувалчанги қўйиб берган эдим. Орадан йигирма йил ўтиб, ўша хонадон соҳибини учратиб қолдим. «Катта юк» машинасида қаёққадир шошиб кетаётган экан. Суҳбатлашиб қолдик. «Сизга раҳмат, агар биогумус етиштирсанг, битта «КамАЗ» минасан дегандингиз, ҳозир учта машина билан Тошкент, Навоий, Бухоро ва бошқа вилоятларга биогумусни етказиб беряпман. Шу туфайли рўзғоримга барака кирди, уй-жой, тўйлар қилдим», — деди мамнун бўлиб. Ҳозирги кунда қишлоқдаги юзлаб оилалар гўнг ва чиқиндилардан биогумус тайёрлаб, ҳар йили 2-3 млн. сўм даромад қилишаётган экан. Бу гапларни эшитиб, кексайган чоғимда одамларга озгина бўлса-да, фойдам тегаётганидан хурсанд бўлдим.

Биогумус етиштирсангиз, кўчага ахлат ташимайсиз. Экинлар учун экологик тоза ўғит ўзингиздан чиқади. Ҳали у, ҳали бу туманда тадбиркору фермерлар ҳузурида бўлиб, мевали ва манзарали дарахт кўчатларини, Калифорния қизил чувалчангини кўпайтириш, биогумус тайёрлаш хусусида маърузалар ўқийман. Истиқлол туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилди. Бугун қайси соҳа билан шуғуллансангиз, барча имконият бор. Аммо юртдошларимиз ҳали ўзларидаги тадбиркорлик салоҳиятини тўла ишга солаяптилар, деб бўлмайди.

**Сайфулла ИКРОМОВ суҳбатлашди.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

NBU

# Молиявий ҳамкорлик самараси

**Мамлакатимиз ички бозорида замонавий косметика саноатининг ўз ўрни бор. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, кундалик ҳаётимиз учун зарур бўлган атторлик маҳсулотларининг улуши йилдан-йилга ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Бу эса соҳада жиддий изланишлар олиб борилаётганидан далолат беради.**



**Саидолим КАМОЛОВ,**
Тошкент шаҳридаги «Valessio Cosmetics» МЧЖ директори

2012 йилда ташкил этилган корхонамиз аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган 70 турдаги атир ва кир совун ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Маҳсулот сифатини яхшилаш, турларини янада кўпайтириш асосий мақсадимиздир. Бунга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Излаган имкон топар деганларидек, биз ҳам замонавий ускуналар харид қилиш ва ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш учун «Миллий банк»нинг Олмазор филиалига мурожаат қилган эдик. Банк мутасаддилари лойиҳамизни ўрганиб чиқиб, 197 млн. сўм миқдорида кредит ажратишди. Ушбу маблағ эвазига тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, моддий манфаатдорлик ҳам ошди. 16 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирги пайтда жамоамизда 30 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

Ўтган йилнинг ўзида 176 млн. сўмлик маҳсулот тайёрланди, соф фойда эса қарийб 42 млн. сўмни ташкил этди. Ялпи ишлаб чиқариш ҳажми 24 минг тоннадан ошди.

Бугунги кучли рақобат шароитида ички ва ташқи бозордан муносиб ўрин эгаллаш осон эмаслигини биламиз. Яъни, бозорнинг ўзига яраша талаблари бор. Шу боис, маҳсулот тайёрлаш жараёнида жаҳон стандартларига жавоб берадиган табиий мойлар ва экстрактлардан фойдаланилмоқда. Истеъмолчилар талабини инобатга олиб, сифат масаласига алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Ўтган икки йил давомида корхонамиз тўла оёққа туриб олди. Бу ҳам бўлса, юртимизда тадбиркорлик субъектлари учун яратиб берилган қулай шарт-шароит самарасидир. Хорижий ҳамкорлар билан алоқаларимиз тобора кенгаймоқда. Келгусида банкнинг молиявий ёрдамига таяниб, маҳсулотлар ҳажмини янада ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ниятидамиз.

## ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«XXI ASR» ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ**
Президентимизнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, долзарб вазифалар, айниқса, хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш борасидаги масалалар ижросини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаол иштирок этиш мақсадида Сизларни қизиқтираётган саволлар юзасидан мутасадди идоралар вакиллари иштирокида тўғридан-тўғри мулоқотлар уюштирмоқда.

ҚАДРЛИ ФЕРМЕРЛАР, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЮРТДОШЛАР!
Очиқ мулоқотда фаол қатнашиб, қуйида номлари келтирилган ташкилот, муассаса мутасаддиларига ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга халақит бераётган муаммолар юзасидан мурожаат қилишингиз мумкин. Бугунги кунда тадбиркорликка, қишлоқ мулкдорлари фаолиятини кенгайтиришга қаратилган юксак эътиборга қарамай, айрим ҳудудларимизда соҳани янада жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, шубҳасиз, юртимиз равнақи ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Ўйлаймизки, тўғридан-тўғри мулоқотда кўтарилган мавзулар тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз, қишлоқларда етакчи кучга айланган фермерларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

**МАРҲАМАТ, ЁЗИНГ, ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ! МУРОЖААТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.**

**ОЧИҚ МУЛОҚОТГА:**
ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ РАИСИ **АЛИШЕР ШАЙХОВ,**
«АГРОБАНК» ОАТБ БОШҚАРУВИ РАИСИ **АБДИВАҲОБ ТАМИКАЕВ**,
«МИКРОКРЕДИТБАНК» ОАТБ МУТАСАДДИЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛГАН.

Учинчи мулоқот **2014** йилнинг **28** мартида «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, **73**-А уйда) соат **16.00** да ўтказилади. Тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг саволларига Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер ШАЙХОВ жавоб қайтаради.

*Умид қиламизки, мулоқотга таклиф этилган мутасадди идоралар вакиллари таҳририят ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тадбиркор юртдошларимизни қизиқтираётган саволлар, улар фаолиятига оид ҳаётий масалаларни ҳал этиш учун вақт топадилар.*

**Саволлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинмоқда:**

**(+998 71) 281-40-17, 215-63-80.**
**(+998 95) 194-83-95, 194-83-96.**

Электрон почта: **XXI_ASR@mail.ru**

ЭЪЛОН

AGROBANK

# «АГРОБАНК»

очиқ акциядорлик-тижорат банки томонидан

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаётган, Ўзбекистон Республикасида жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган ёшлар, хусусан, таълим муассасалари битирувчиларининг банкка тақдим этадиган бизнес лойиҳалари ўртасида қуйидаги номинациялар бўйича танлов ўтказилади:

- **— Энг яхши ҳунарманд;**
- **— Энг яхши тадбиркор аёл;**
- **— Энг яхши оилавий тадбиркор;**
- **— Энг яхши ишлаб чиқариш лойиҳаси;**
- **— Энг яхши инновацион лойиҳа;**
- **— Энг яхши хизмат кўрсатиш лойиҳаси;**
- **— Энг кўп иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳа;**
- **— Энг яхши фермер лойиҳаси;**
- **— Коллеж битирувчилари орасида энг яхши лойиҳа эгаси;**
- **— Олис ҳududдаги энг яхши лойиҳа.**

**КЎРИК-ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТИ:**

**Танловда иштирок этиш истагида бўлган шахслар ўз бизнес лойиҳаларини доимий яшаш манзилларидаги «Агробанк»нинг филиалига жорий йилнинг 25 мартига қадар тақдим этишлари мумкин.**

**Танлов якунида аниқланган ғолибларга банк томонидан шахсан маълумот берилади ҳамда улар имтиёзли микрокредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар билан тақдирланади.**

# XXI аср технологиялари

## Жаҳон тажрибаси саноатлашган иқтисодиёт ўрнини аста-секин инновацион иқтисодиёт эгаллаётганини кўрсатмоқда

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»

Даставвал, «инновация» атамасига тўхталиб ўтсак. Инглизчада бу — фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш деган маънони англатади. Чиндан ҳам дунёнинг кўплаб мамлакатлари айнан инновацион технологиялар орқали юксак тараққиёт даражасига эришаётгани сир эмас. Қолаверса, ҳозирги глобаллашув жараёни барча соҳада илмий изланишларни тақозо этмоқда. Замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш эса янгидан-янги ютуқларга йўл очади.

Буни Сингапур мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу мамлакатда табиий ресурслар чекланганлиги яхши маълум. Аммо инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида сингапурликларнинг олдига тушадигани топилмаса керак. Айни йўналишда ҳар йили алоҳида дастурлар қабул қилинади. Эътироф этилишича, Сингапурнинг инновацион жиҳатдан равнақ топиб, нафақат Осиё, балки бутун дунёда катта мавқега эга бўлишида бир қатор омиллар ҳал қилувчи роль ўйнаган. Малакали мутахассислар ва ёш истеъдодлар базасининг мавжудлиги, Олий таълим тизимини йилдан-йилга такомиллаштириш, экологик ва молиявий барқарорлик, илм-фанга бўлган юксак эътибор шулар жумласидандир. Энг муҳими, фан-техника соҳасидаги ҳар қандай янги, истиқболли ғоя давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланади ва ўз вақтида рағбатлантирилади. Таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси ҳам мутаносиб равишда йўлга қўйилган. Маълумотларга қараганда, 2011 йилнинг ўзида Сингапурдаги конструкторлик ишларини қўллаб-қувватлаш илмий-тадқиқот маркази («R&D») учун 7,4 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган, шу ҳисобдан иқтисодиётнинг устувор соҳаларини ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилган. Қолаверса, чет эл сармоядорлари учун кенг имтиёзлар яратиб берилганини ҳам таъкидлаш керак. Шу боис йирик инвесторларнинг Сингапурда иш юритишга иштиёқи баланд. Хусусан, мамлакатда инновацион тизимнинг самарали механизми шакллантирилганлиги, солиқ ва божхона амалиёти билан боғлиқ имтиёзлар, сармоялар ва корхоналарнинг инвестицион таваккалчилиги учун суғурталашнинг намунали йўлга қўйилганлигини айтиш мумкин.

Инновация — бу моддий ишлаб чиқариш ёки сармоя концентрацияси эмас. Айрим тадқиқотчилар, жумладан, Э.Тоффлер, Ф.Фукуяма, Д.Белл ва Ж. Нейсбит айнан инновацион технологияларга таянган давлатгина юксак тараққиёт даражасига эришади, деган фикрни илгари суришади. Аслида ҳам шундай. Зеро саноатлашган иқтисодиёт ўрнини аста-секин инновацион иқтисодиёт эгаллаши оддий ҳақиқатдир. Натижада янгидан-янги бозорлар кашф этилади. Бинобарин, инновацион мақсадларни рўёбга чиқариш учун хусусий инвестицияларга имтиёзлар бериш, замонавий банкларни шакллантириш, инновацияларни кафолатлаш ҳамда суғурталаш, кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш, йирик технологик лойиҳалар учун миллий ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш талаб қилинади. Бундан ташқари, инновацион сиёсатни тартибга солувчи қонунларни такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) ўз ҳисоботларида юқоридаги талабларга қатъий амал қилаётган 20 га яқин давлатда инновацион ривожланиш тобора жадаллашаётганини эътироф этади. Швейцария, АҚШ, Швеция, Буюк Британия, Голландия, Финляндия, Гонконг, Сингапур, Тайвань, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Дания ва Ирландия ана шулар сирасидандир.

Маълумки, Жанубий Корея фуқаролар уруши оқибатида вайроналар ичида қолган эди. Замонавий электроника, ахборот технологиялари каби тармоқларга катта эътибор қаратилиши туфайли мамлакат тез орада ўз қаддини тиклаб олди. Малайзия ҳам оғир саноат, жумладан, электр ускуналари ишлаб чиқариш соҳасида кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Ёки иқтисодиёти асосан инвестицион технологияларга асосланган Тайванни олайлик. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 1980-йилнинг ўзида инновацион товар айрбошлаш ҳажми мамлакатда 40 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Асосан текстиль, кийим-кечак, электрон асбоб-ускуналар, турли транзисторлар, соат ва ўйинчоқ ишлаб чиқариш ва уни жаҳон бозорига чиқариш кутилган самарани берди. Ўша даврда Тайвань Хитойдан озиқ-овқат, ичимлик сув, ёқилғи ва бошқа маҳсулотларни импорт қилар эди. Хитой эса бунинг эвазига илғор технологиялар, саноат ва транспорт жиҳозлари, электроника ҳамда алоқа воситаларини олиб турган. Гарчи озиқ-овқат, сув ва бошқа табиий маҳсулотларга эҳтиёж бўлса-да, тайванликлар инновацион ва замонавий технологиялар ривожига зўр берди.

Айни пайтда жаҳон ҳамжамияти инновацион технологиялар нималарга қодир эканлигини, иқтисодий ривожланишнинг келажаги айнан шу соҳа билан боғлиқлигини тўла англаб етмоқда. Соҳада мисли кўрилмаган янгиликларга қўл урилаётир. Бундай кашфиётлар бугун ҳаётимизга шиддат билан кириб келиб, қисқа фурсатда жаҳон бозорини эгалламоқда.




Тайваннинг «Polytron Technologies» компанияси томонидан дунёдаги биринчи шаффоф телефон ихтиро қилинганлиги кўпчиликка маълум. Бир қарашда оддий тўртбурчак ойна парчасини эслатувчи ушбу аппарат мобиль телефонларнинг эволюцияси, дея баҳоланмоқда. Шу билан бирга, жаҳоннинг нуфузли автоконцернлари томонидан электр токида ҳаракатланувчи автомобиллар ишлаб чиқариляпти. Аммо унинг электр аккумулятори 20 дақиқада қувват тўплай олишига ишониш қийин. «DC Combo» деб аталувчи мазкур аккумулятор тизими «Society of Automotive Engineers» инженерлик компанияси томонидан қайта ишланди. Бу эса йирик атомобиль компанияларининг унга бўлган талабини кучайтирмоқда. Хабарингиз бўлса, биринчилардан бўлиб, «General Motors» ва «BMW» ана шундай автоуловларни ишлаб чиқарган эди. Айни пайтда уларнинг сафи кенгайиб боряпти. Бу эса юқорида таъкидланганидек, инновацион технологияларнинг тежамкор ва камхарж эканлигига яна бир далилдир.

Инновацион технологияларни аграр секторда қўллаш ҳам яхши самара бериши мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда. Зотан озиқ-овқат муаммоси тобора долзарб тус олаётган бир пайтда ер, сув ва бошқа манбалардан оқилона фойдаланиш нечоғлик катта аҳамият касб этишини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Шу боис жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацион ишланмалардан унумли фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. Мисол учун, Исроил давлати агросаноат тизимида ерни томчилатиб суғориш тажрибасидан эндиликда бутун дунёда фойдаланишга ҳаракат қилинаётгани бунинг исботидир.

Сир эмас, Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳам кўп жиҳатдан инновацион технологияларга боғлиқдир. Мустақиллик йилларида бу борада салмоқли натижаларга эришилди. Президентимизнинг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида илмий-тадқиқот муассасалари билан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга изчиллик билан жорий этиш борасидаги муҳим вазифалар белгилаб берилган. Кейинги йилларда мамлакатимизда бир неча бор ташкил этилган инновацион лойиҳалар ярмаркаси жаҳон жамоатчилиги эътиборидан четда қолмади. Ушбу тадбирлар кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалдаги ифодаси бўлиб, истиқболли ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, илм-фан ва саноатни ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улушини кўпайтириш учун янги шарт-шароитларни вужудга келтирмоқда. Ярмаркаларда саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот-коммуникация технологиялари, илм-фан, таълим соҳаларига оид замонавий технологиялар ва ишланмалар намойиш этиляптики, буларнинг барчаси келажак манфаатлари йўлида хизмат қилиши шубҳасиздир.

Яқинда ташкил этилган навбатдаги «Қурилиш-UzBuild-2014», «Иситиш ва ҳавони алмаштириш тизимлари, сунъий иқлим ҳосил қилиш, сув таъминоти, сантехника ва ҳовузлар – Aqua-Therm Tashkent-2014» ҳамда «Мебель ишлаб чиқариш технологиялари – MebelExpo Uzbekistan-2014» халқаро кўргазмалари ҳам мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини яна бир бор намоён этди, десак хато қилмаймиз. Улар дунё миқёсида катта қизиқиш уйғотганлиги ҳам бежиз эмас. Мисол учун: «UzBuild» лойиҳасининг илк намойишида 20 га яқин компания иштирок этган бўлса, жорий йилда 20 та мамлакатнинг 136 та компанияси ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан қатнашди. Бу, аввало, бизнинг катта ютуғимиз. Умуман, кейинги 15 йил мобайнида 900 дан ортиқ компания ўзбекистонлик ишбилармонлар билан манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятига эга бўлдилар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳозирги кескин рақобат шароитида маҳсулот ва хизматларни босқичма-босқич янгилаш, сифатини тубдан яхшилаш орқалигина жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаш, истеъмолчилар ишончи ва эътиборини тўла қозониш мумкин. Бу борада истиқболли лойиҳалар, хусусан, инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш ҳал қилувчи аҳамият касб этишини асло унутмаслик керак.

## O`ZLIDEРНИНГ 2013 ЙИЛГИ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ ВА 2014 ЙИЛГИ БЮДЖЕТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

### Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлисида партиянинг 2013 йилдаги молиявий фаолияти тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, 2014 йилги бюджетининг асосий кўрсаткичлари муҳокама қилинди

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўзининг молиявий фаолиятини «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги ва «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 мартда тасдиқланган «Сиёсий партияларнинг устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низом» ҳамда ўз Уставига мувофиқ амалга оширади.

2013 йил мобайнида марказий ва ҳудудий партия ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ташкилий-партиявий, мафкуравий, тарғибот-ташвиқот ишлари кўламини янада кенгайтириш орқали ўз дастурий мақсад вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда эришилган натижалар самараси ўлароқ партия аъзолари сони 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига 178352 нафарни ташкил этди. Партиянинг қонунда белгиланган тартибда Давлат бюджетидан молиялаштирилиши унинг имкониятларини янада кенгайтириб, самарали фаолият олиб боришига хизмат қилди.

Партия Уставига мувофиқ партияни молиялаштириш манбалари ҳудудий партия ташкилотлари ҳисоб рақамларига келиб тушган аъзолик бадаллари, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар, юридик шахслар ва фуқаролар томонидан бериладиган хайрия ёрдамлари, амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа барча тушумлар ҳамда Давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан иборат.

2013 йил давомида партиянинг ҳисоб рақамларига жами 10 млрд. 17 млн. 615 минг сўм маблағ, шу жумладан, партиянинг Устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат бюджетидан 8 млрд. 768 млн. 858 минг сўм, аъзолик бадалларидан 1 млрд. 168 млн. 222 минг сўм, ҳомийлик ёрдамларидан 6 млн. 310 минг сўм, тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромад ва амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа тушумлар ҳисобидан 74 млн. 225 минг сўм келиб тушган.

Партиянинг 2013 йилдаги сарф-харажатлари жами 9 млрд. 980 млн. 406 минг сўмни ташкил этди.

Жумладан, давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг 86,3 фоизи, яъни 7 млрд. 562 млн. 363 минг сўм марказий ва ҳудудий ижро этувчи аппаратларнинг жорий харажатларини қоплашга, коммунал тўловлар ва эксплуатация харажатларига 477 млн. 579 минг сўм, партиявий тадбирлар ва ўқишларни ташкил этиш ҳамда тарғибот-ташвиқот материалларини чоп этиш учун 698 млн. 805 минг сўм, бошқа харажатларга 26 млн. 683 минг сўм сарфланди.

Аъзолик бадали тушуми, ҳомийлик ёрдами ва амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа тушумлар ҳисобидан харажат қилинган 1 млрд. 214 млн. 976 минг сўмлик маблағнинг асосий қисми, яъни 68,6 фоизи ижроия аппаратларининг жорий харажатларини қоплашга 833 млн. 495 минг сўм, коммунал тўловлар ва эксплуатация харажатларига 229 млн. 901 минг сўм, партиявий тадбирлар ўтказиш, кўргазмали тарғибот воситалари ва полиграфия маҳсулотлари тайёрлашга 45 млн. 296 минг сўм, Устав фаолияти доирасидаги бошқа харажатларга 106 млн. 284 минг сўм сарфланди.

Партиянинг асосий воситалари 2014 йил 1 январь ҳолатига харид қилинган ва хайрия ёрдами сифатида қабул қилинган маблағларни ҳисобга олган ҳолда, жами 5 млрд. 279 млн. 645 минг сўмни ташкил этади.

Партиянинг 2014 йилги бюджети жами 12 млрд. 472 млн. 75 минг сўмни ташкил қилиши кутилмоқда. Шундан 11 млрд. 92 млн. 75 минг сўм давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, 1 млрд. 350 млн. сўм аъзолик бадаллари, 30 млн. сўм хайрия ёрдами маблағлари тушумларидир.

Партиянинг 2014 йилдаги бюджетининг асосий кўрсаткичлари қуйидагича тартибда молиялаштирилиши режалаштирилмоқда. Жумладан, барча бўғиндаги ижроия аппаратлари ходимларининг иш ҳақи, мукофот, моддий ёрдам, пенсия фондига боғлиқ харажатларга 80 фоиз, коммунал хизматлар, партия мулкини сақлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларга 6 фоиз, партиявий тадбирларни ўтказиш, шу жумладан, партия фаолларини ўқитиш, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиш билан боғлиқ харажатларга 6 фоиз, асосий воситалар, жумладан, оргтехника, алоқа воситалари, мебель жиҳозлари, полиграфия ва канцелярия маҳсулотлари харид қилиш учун 6 фоиз, партиянинг Устав фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатларга 2 фоиз.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Хусусан, партия фаолиятини молиялаш манбалари тўғрисидаги ҳисоботни ваколатли органларга тақдим этиш ҳамда партиянинг 2014 йилги бюджети лойиҳасини тасдиқлаш масаласини O'zLiDeP Сиёсий Кенгашининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритиш белгиланди.

## ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

### Мажлисда ухлаганлар ўзидан кўрсин



Маълумки, ҳар йили баҳорда Хитой Коммунистик партиясининг йиғилиши бўлиб ўтади. Унинг узоқ давом этиши боис, иштирокчилар ё пинакка кетишади ёки қўл телефонига андармон бўлишади. Журналистлар эса мудраб ё телефонда ўйин ўйнаб ўтирганларнинг расмини матбуотда эълон қилишади. Партия раҳбариятининг фикрича, бу ҳол йиғилиш обрўйига путур етказмоқда. Шу боис, партия «Женмин жибао» газетаси орқали амалдорларни йиғилишларда мобиль телефондан фойдаланиш, яъни ўйин ўйнаш, ижтимоий тармоқларга киришни тақиқлаш бўйича қатъий огоҳлантирди. Бунга амал қилмаганлар лавозимидан четлатилиши мумкин.

Таъкидлаш жоиз, ҳозир партия раҳбарияти мансабдор шахсларнинг интизомига жиддий эътибор қаратмоқда. Ўтган йили уларнинг дабдабали дафн маросими ўтказишлари ҳамда жамоат жойларида чекишлари тақиқланган бўлса, жорий йилдан хорижий автомобиллардан фойдаланишлари ҳам ман этилди.

### Ёлғоннинг умри қисқа. Ҳатто, интернетда ҳам

Буюк Британияда интернетдаги хабарнинг рост ёки ёлғонлигини аниқлай оладиган янги «Pheme» номли компьютер дастури яратилди. Бунинг учун унга кичик матн парчасини киритиш кифоя. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу дастур ижтимоий тармоқдаги бўҳтонларни аниқлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қўл келиши мумкин.

Дастур бир неча сонияда хабарнинг муаллифи, унинг бошқа манбаларда чоп этилганлигини аниқлашга қодир. Мазкур ёлғонга қарши дастур бир ярим йилдан кейин тўлиқ ишга тушади. Унинг учун 3,5 миллион фунт стерлинг сарфланади.

### Янги Зеландиянинг байроғи ўзгариши мумкин



Янги Зеландия бош вазири Жон Кей давлат байроғини алмаштириш бўйича референдум ўтказилишини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, ҳозирги байроқда Буюк Британия мустамлакачилиги асоратлари сезилиб туради. Бундан ташқари, у қўшни Австралиянинг байроғига икки томчи сувдек ўхшаш. Шу боис, уни адаштириб қўйиш ҳеч гап эмас. Кейнинг таъкидлашича, унинг ҳукумати сентябрь ойида бўлиб ўтадиган парламент сайловида ғалаба қозонса, асосий рамзлардан бири бўлган байроқни ўзгартириш бўйича референдум ўтказилади. Янги зеландияликлар байроқда кумуш папоротник тасвирини кўришни исташади.

# Навбат — паралимпиячиларимизга

## Россиянинг Сочи шаҳрида давом этаётган XI Қишки Паралимпия ўйинлари қизғин паллага кирди

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI asr»



Баҳсларни кўтаринки кайфиятда бошлаган мезбонлар умумжамоа ҳисобида қайд этилган натижалар бўйича асосий таъқибчиларини катта фарқ билан ортда қолдириб бормоқдалар.

Ўйинларнинг дастлабки олти кунида қўлга киритилган 114 та медалнинг 47 таси (16 та олтин, 18 та кумуш ва 13 та бронза) россиялик спортчиларга насиб этди. Ҳозирча 45 та иштирокчи-мамлакатнинг 15 таси совриндорлар қаторидан ўрин олган. Медалларнинг қиймати бўйича тузилган рейтингда бугунгача 5 та олтин медаль билан тақдирланган германиялик паралимпиячилар умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни банд этиб турган бўлса, учинчи ўринда бораётган украиналиклар ҳисобида 14 та (3 та олтин, 4 та кумуш ва 7 та бронза) медаль бор.

Қишки Паралимпия ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилишга отланган спортчиларимиз мусобақаларга бугун киришадилар. Хусусан, ўзбекистонлик мухлислар бугун Тошкент вақти билан соат 17:15 дан бошлаб тоғ чанғичимиз Рамил Гаязовни қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўладилар. Сноубордчимиз Евгений Слепов эса баҳсларга эртага киришади. Унинг чиқишини Тошкент вақти билан соат 11:00 дан бошлаб кузатиб боришингиз мумкин.

Шу ўринда кейинги йилларда мамлакатимизда қишки спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бесамар кетмаётганини айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, ўтган ҳафтада Эроннинг Дизин шаҳрида тоғ чанғиси бўйича ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида иштирок этиб қайтган ҳамюртларимиз битта олтин, иккита кумуш ва бешта бронза – жами саккизта медални қўлга киритганлари бунинг ёрқин мисолидир.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасидан олинган хабарларга кўра, Сочи шаҳрида ўтказилган XXII Қишки Олимпия ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Артём Воронов «Дизин-2014» мусобақасида олтин медаль совриндори бўлди. Бундан ташқари, спортчимиз тоғ чанғисининг турли йўналишларида ўтказилган баҳсларда яна иккита кумуш ва битта бронза медаль билан тақдирланди.

Қизлар ўртасидаги баҳсларда муваффақиятли қатнашган яна бир ҳамюртимиз Светлана Баранова эса тоғ чанғисининг слалом, слалом-гигант, супер-гигант, супер-комбинация каби йўналишларнинг барчасида учинчи ўринни эгаллаб, тўртта бронза медалга лойиқ топилди.

## СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

**«Сир эмас: юртимизнинг деярли барча ҳудудларида: кўчаларга илинган эълонлар, ўрнатилган реклама баннерлари, шунингдек, бинолар пештоқига илинган лавҳалардаги ёзувларда имловий ва услубий хатолар учраб туради. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ишлари билан қайси ташкилот шуғулланади? Қонунчилигимизда йўл қўйилган ана шундай хатолар учун қандай жавобгарликлар белгиланган?**

Ш.Йўлдошев,
Самарқанд вилояти».

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сонли қарори 2-бандида белгиланганидек, юқорида тилга олинган ҳолатлар билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Давлат тили ҳақидаги қонун ижросини таъминлаш комиссиялари шуғулланади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 42-моддасига кўра, Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, давлат тилини ва Ўзбекистон Республикасида яшовчи бошқа миллатлар ва элатларнинг тилларини менсимаслик энг кам иш ҳақининг бир бароваридан икки бароваригача миқдорда жарима солинишга сабаб бўлади.

## БУ — ҚИЗИҚ

### Юз йилга етадиган ёнилғи

АҚШнинг Коннектикут штатидаги «Laser Power Systems» компанияси автомобиллар учун торий радиоактив элементи билан ҳаракатланувчи янги атом двигателини яратиш устида иш олиб бормоқда.

Менделеев жадвалининг 3-гуруҳига мансуб мазкур элемент энг оғир металл бўлиб, ўзида жуда кўп энергия сақлайди. Компания вакилларидан бири Чарльз Стивенснинг таъкидлашича, бир грамм торий жамлаган қувват 28 минг литр бензин қийматига тенг. Шундай экан, унинг 8 грамми автомобиль моторини бемалол 100 йилгача ҳаракатлантириши мумкин.

Айни пайтда «Cadillac», «World Thorium Fuel Concept Car» компаниялари ҳам шундай янгилик устида иш олиб бормоқдалар. Двигателларнинг торий ёқилғисида ишлаши синовдан муваффақиятли ўтса, оммавий ишлаб чиқаришга жорий этилади.




Гидрометеорология марказининг хабарига кўра, мамлакатимизда 13-20 март кунлари вақти-вақти билан ёмғир ёки қор ёғиши, айрим жойларга туман тушиши кутиляпти. Тоғларда қор кўчиши хавфи бор. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 0-5 даража илиқдан 0-5 даража совуққача ўзгариб туради, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кечаси 7-12, кундузи 12-17 даража илиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳафта охирига бориб ҳарорат кечаси 5-10 атрофида, кундузи 12-17 даража илиқ бўлиши кутиляпти. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда кечаси 3-8, кундузи эса 12-17 даража илиқ бўлади. Фарғона водийси вилоятларида кечаси 3-8, кундузи 8-13 даража илиқ бўлиши кутиляпти. Тоғли жойларда ҳарорат кечаси 5-10 даража совуқ бўлиши, кундузлари эса 10-15 даража илиққача кўтарилиши мумкин.

## ЯНГИЛИКЛАР

### Пойтахтда катта ҳашар




Анъанага мувофиқ, Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан март-апрель ойлари пойтахтимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди.

Ойликни ўтказиш бўйича шаҳар ишчи гуруҳи, амалга ошириладиган тадбирлар режаси ҳам тасдиқланди. Унга кўра, жорий йилнинг 15 мартида шаҳарда умумхалқ хайрия шанбалиги ўтказиладиган бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот хизматининг хабар беришича, ишчи гуруҳи зиммасига мутасадди идора ва ҳокимликлар билан бирга ушбу тадбирлар доирасида аҳоли яшаш жойлари, кўп қаватли бинолар, уйлар атрофлари, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар, ариқлар, кўча ва йўлакларни, шунингдек, болалар майдончаларини тартибга келтириш, барча турар-жой мавзелари, маҳаллаларда гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш, бўш ҳудудларда боғлар барпо этиш, мавжуд дарахтларни буташ ва оқлаш каби кўплаб ташкилий ишларни амалга ошириш топширилган.

Ўз навбатида, қарорда 15 март куни ўтказиладиган хайрия шанбалиги доирасида барча муассаса, ташкилот ва корхоналарда меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақлари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳисобига ихтиёрий равишда ўтказилиши белгилангани қайд этилган. Ҳужжатда қайд этилганидек, ушбу маблағлар «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, кам таъминланган оилаларга, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатиш, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллалардаги мавжуд спорт майдонларини жорий таъмирлаш, уларга керакли анжомлар харид қилиш каби ишларга сарфланади.

### «Iveco Daily» Тошкент кўчаларига мос келмоқда




Янги йилнинг дастлабки ойларида Тошкент кўчаларида пайдо бўлган «Iveco Daily» русумли микроавтобуслар яқин келажакда пойтахтимиз аҳолиси узоғини яқин қиладиган асосий транспорт воситалари қаторидан ўрин олиши мумкин.

«Туркистон-пресс» ахборот агентлигидан олинган хабарга кўра, Италияда ишлаб чиқарилган мазкур русумдаги тўртта (иккитаси 16, яна иккитаси эса 19 йўловчига мўлжалланган) микроавтобус айни пайтда Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи «MiniBusTrans» МЧЖ томонидан синовдан ўтказилмоқда. «MiniBusTrans» директори Одил Қурбоновнинг таъкидлашича, дастлабки 10 минг километрлик ҳаракат натижаларидан кейин микроавтобусларнинг синовдан яхши ўтаётгани, транспорт воситаларининг пойтахт кўчаларига мос келиши маълум бўлган. Синовлар давомида «Iveco Daily»лар ўзининг юмшоқ юриши, компьютерлаштирилган бошқарув тизимининг қулайлиги билан ажралиб турган.

Эътиборлиси, олти ойлик синов муддати натижаларидан келиб чиққан ҳолда «Iveco» микроавтобусларини юртимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган. Янги ишлаб чиқариш корхонасини собиқ Тошкент авиация ИЧБ негизида ташкил этиш кўзда тутилган.

## ЭЪЛОН

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

қуйидаги миллий ва хорижий валютадаги муддатли янги омонат турларини таклиф этади:

**«БАҲОР-2014»**

Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**«ФАЙЗЛИ-2014» (АҚШ долларида)**

Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг АҚШ долларида берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банк (ОАЖ) миллий валютада 62 ҳамда хорижий валютада 30 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| ФИЛИАЛЛАР | КОД | ТЕЛЕФОН |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сергели филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

## РЕКЛАМА




Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир - Южный вокзал, АЗС «РОҮТАНТ»)
ЗАЗ
www.sardor-avto.uz
Товар сертифицирован

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИРИЯТ: Темур АБДУРАҲМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Озод РАЖАБОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ХЎЖАЕВ, Маркс ЮСУПОВ.

БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, xxi_asr@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 9408 Тираж: 19020
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: Ш.ХЎЖАЕВ, А.МУЗАФФАРОВ.